

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни шахсан ўз номимдан ва Чехия Республикаси фуқаролари номидан муборакбод этишга ижозат бераймиш.

Сизга мустаҳкам соғлик ва фаолиятингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қоламан.

Эхтиром ила,

Вацлав КЛАУС,  
Чехия Республикаси Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан қутловларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Сизнинг истиқболдаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб қоламан ва бизнинг икки томонлама муносабатларимиз келгусида халқларимиз манфаатлари йўлида янада ривожланиб бораверишига ишонч билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни лутфан қабул қилгайсиз.

Эхтиром ила,

Валдис ЗАТЛЕРС,  
Латвия Республикаси Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,  
2007 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни муборакбод этишга ижозат бераймиш. Янги мандатингиз билан Сиз мамлакатингизнинг жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, Ўзбекистон ҳуқуқий тенглик асосида иштирок этаётган ЕХТТ билан ҳамкорликни кучайтириш йўлидаги сайё-ҳаракатлари давом эттираверишингизга ишончим комил.

Ўзбекистоннинг ЕХТТ фаолиятига фаол жалб этилиши, шубҳасиз, ошиб бораверади. ЕХТТ ташқи ишлар вазирлари 2007 йилнинг декабрь ойида Мадрид шаҳрида ўтказилган сунгги йиғилишида Афғонистонга ёрдам беришни таъминлаш бўйича ЕХТТнинг сайё-ҳаракатлари доирасида Ташкилотнинг Марказий Осиёдаги ролини мустаҳкамлашга қарор қилдилар. Ўзбекистон мазкур жараёнда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Умид қиламанки, ЕХТТ 23 декабрдаги сайловни кузатиб борган, жумладан, кузатувчилик вазифалари юзасидан айрим тавсияларни бажарганидан сўнг қўйилган кейинги қадамлар ўзаро ишончга асосланган самарали ва манфаатли йўллар билан амалга оширилади. Пировадиди, мамлакатингиз ЕХТТ лойиҳаларининг Ўзбекистондаги янги тайинланган Координатор, элчи Иштван Венцель томонидан узок муддатли маддага умид боғлай олади, деб Сизни ишонтиришга ижозат бераймиш.

Самимият ва энг эзгу Янги йил тўлақирим ила,  
Марк Перрин де БРИШАМБО,  
ЕХТТ Бош котиби.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,  
Сизни янги муддатга муваффақиятли қайта сайланишингиз муносабати билан муборакбод этишдан бағоят мамнунман.

Лавозимга киришингизнинг аввал бошида мен Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация технологияларини такомиллаштириш мақсадида Сиз ва ҳукуматингиз билан ҳамкорликни давом эттириш ниятида эканимни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ишонтириб айтаманки, Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро электр алоқа уюшмаси ўртасидаги самарали ҳамкорликни бундан буюн ҳам давом эттиришни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак эхтиромимни қабул қилгайсиз.

Д-р Ҳаммадун ТУРЕ,  
Халқаро электр алоқа уюшмаси Бош котиби.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич,  
2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги юксак галабангиз муносабати билан меннинг самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Президентлик сайловида кузатувчи сифатида қатнашган Ярославль вилояти вазилилари эркин ва очик сайловнинг гувоҳи бўлиши ва Ўзбекистон Республикасида Сизнинг раҳбарлигингиз остида бўлаётган кенг қўллами ўзгаришларга яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Республикангизнинг вилоятлари билан тобора ривожланиб бораётган, 2007 йилда 15 йиллиги нишонланган ҳамкорлик алоқаларимизни юксак кадрлаймиш.

Сизга ва Сизнинг тимсолингизда Ўзбекистон халқига чин дилдан тинчлик, эзгулик ва фаровонлик тилаб қоламан.

Сергей ВАХРУКОВ,  
Ярославль вилояти губернатори.

## ШАҲРИСАБЗ ТОЛАСИ – ЖАҲОНГА

Мамлакатимиз энгил саноат тармоғи мустақиллик йилларида бутунлай янги боқичга чиқди. Тармоқда хориж инвестицияси жалб қилиниб, замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган қўллаб қорхоналар бунёд этилди. Натижада юртимизда етиштирилган пахта хом ашёсини ўзимизда қайта ишлаш ҳажми тобора ошиб бораётир.

### Ислохот

Шаҳрисабз туманидаги "Оқсарой тўқимачи ЛТД" Ўзбекистон-Туркия-Япония қўшма корхонасида меҳнат қилаётган 700 нафар ёш йигит-қиз юқори унумли дастгоҳлар ёрдамида ҳар кун тонналаб хом аёшни қайта ишлаб, жаҳон бозорида харидорғир калава ип тайёрляпти. Маҳсулотнинг сифати юқорилиги боис, унга хориж давлатларида ҳам талаб ортмоқда. Шунинг учун унинг асосий қисми экспорт қилинапти.

СУРАТДА: қўшма корхонанинг илғор ишчиси Фарида Гулбоева.

Б. АКРАМОВ  
олган сурат.



## ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

### Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Ўтган ҳафта мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Ватан ҳимоячилари кунини ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 16 йиллигини кенг нишонладик. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонини Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига йўлаган байрам табриғида қайд этганларидек, биз миллий армиямизни боқичма-боқич ва тизимли равишда шакллантиришда, аввало, Ўзбекистоннинг минтақамизда ва ҳозирги дунёда тутган геостратегик ва геосийёсий ўрнини, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган жиддий ички ва ташқи таҳдид ҳамда хатарларни ҳисобга олган ҳолда иш юритдик.

Ўтган 16 йил давомида Қуролли Кучларимизни шакллантириш йўлида кенг қўллаб-қувватлаш ишлари ўтказилди. Натижада, мамлакатимизни қатъий демократик ривожлантириш, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги ҳамда мустақиллигини ишончли қамқолаётган, замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган миллий армия шаклланди. Пухта ўйланган чоратadbлар ва ҳисоб-китоблар асосида жанговар ва хизмат кўрсатувчи қисмларнинг мутлақо янги тузилмаси ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Қисмларнинг таркиби, мақсад ва вазифалари тубдан ўзгарди ва бунинг натижасида уларни бошқариш имкониятлари, ҳарбий салоҳияти ва жанговар қудрати янада ортди. Ҳарбий тизим юртларидан ташқил бўлиб турганда таълим бўлими тубдан яхшиланди, яъни мазкур муассасалар ёш кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашда замонавий ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий талабларга тўлиқ жавоб беради. Ёшларнинг армияда хизмат қилишга муносабати ўзгарди. Армиямизда ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳитнинг ўзгаргани Қуролли Кучларимиздаги ислохотларнинг энг муҳим натижаси бўлди. Бугун ҳеч бир муболага-сиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда армия сафларида хизмат қилиш

нафақат ҳар бир фуқаронинг конституцион бурчи, балки энг нуфузли касблардан бирига айланди. Армия сафларида хизмат қилган ёшларимиз ҳарбий тайёрлик сирларидан бохабар бўлибгина қолмай, жисмоний ва маънавий чиниқшиди ҳам. Уларда мустаҳкам эътиқод ва Ватанни ҳимоя қилишга шайлик кўникмаси шаклланди. Бундан ташқари, миллий армиямиз замонавий техник воситалар билан таъминланди, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва маънавий турар-жой шароитлари яхшиланди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирли-

### Муносабат

(Давоми 2-бетда).

Яқинда Бельгия ва Голландияда сайёҳликка ҳамда савҳат сафарлари ташкил этилишига бағишланган йирик аъёнаний халқаро тадбир бўлиб ўтди. Унинг доирасида Голландиянинг Утрехт шаҳрида очилган "Vasantiebeurs-2008" 37 халқаро сайёҳлик кўргазмасида миллий сайёҳлик вазирлиги ва идораларнинг, йирик сайёҳлик компаниялари, 80 дан ортқ мамлакат авиакомпанияларининг вакиллари иштирок этди. Мазкур тадбирга 200 минг нафардан зиёд киши ташриф бурди.

## ЎЗБЕКИСТОН БЕНИЛЮКС САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАЛАРИДА

Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятлари Голландиядаги йирик сайёҳлик компаниялари — "Djoser", "Passaat verge reizen", "Baobab Reizen", "Eurocruit Lito Reizen" ва "Asia Travel" томонидан намойиш этилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳияти тўғрисидаги атраф-лича маълумотлар мамлакатимиз сайёҳлик бозорига фаолият кўрсатаётган 20 та Голландия сайёҳлик операторларининг каталоғларидан жой олган. Бўлиб ўтган кўргазма натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг сайёҳлик йўналиши нафақат соҳа мутахассисларининг, балки хоржий юртларга сафар қилишни ҳамда хордик чиқаришни режалаштираётган оддий голландияликларнинг ҳам эътиборини тортиди.

"Djoser" компанияси президенти Херман Ван дер Вельденнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда сайёҳлик саноати ривожланиб бораётгани туфайли юртимизга келишни истаётган голландияликлар сони йилдан-йилга қўлаймоқда. Ўзбекистоннинг Буюк Илқ йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлари хоржиликларда катта қизиқш

бирда дунёнинг 30 мамлақати, жумладан, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига оид маълумотлар намойиш этилди. Халқимиз тарихи ва маданиятини ўзида ифода этувчи турли нафис санъат буюмлари, хонатлас, сўзана ва миллий хўнарандчиликнинг турли маҳсулотлари билан безатилган Ўзбекистон бўлмаси кўргазма меҳмонларида алоҳида қизиқш

Тадбир чоғида Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси томонидан тақдимот маросими ўтказилди. Унда меҳмонлар ўзбек халқининг бой тарихий, маданий ва меъморийлик мероси ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм асосида мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳаси тараққиёти тўғрисида атраф-лича маълумот олишди.

"НОВО Reizen" компанияси президенти Адери Готц "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида 2007 йил Ўзбекистонга ташриф бурган сайёҳларнинг сони 2006 йилга нисбатан икки баробар ошганини алоҳида таъкидлади. У Бенилюкс йўналишида ишлаётган Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари билан яқин ҳамкорлик ўрнат

иштирокида эканини маълум қилди. "НОВО Reizen" компаниясининг фаол туроператорларидан бири А. Ваннинг таъкидлашича, Ўзбекистон турли дин, маданият ва миллат вакиллари ўзаро аҳилликда, тинч-тотув яшаб келаётган мамлакат сифатида бошқаларга намуна бўла олади.

А. МУҲАММАДЖОНОВ,  
«Жаҳон» АА.  
Брюссель.

### Улугбекдан Майданаккача:

## КОИНОТ СИРЛАРИНИ ИЗЛАБ...

### Осмон жисмларини кузатиш учун энг қулай жой

Ҳар бир халқнинг миллий қадриятлари билан боғлиқ осмон, сайёралар ва юлдузлар ҳақида ривоят, афсона ва аъёнани бор. Улар умумбашарий маданий мероснинг муҳим қисмини ташкил этади. Ўзбек халқи маданий меросини Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Улугбекларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улугбекнинг Самарқанддаги расадхонаси, ундаги осмон жисмларини кузатиш асбоб-ускуналари аждодларимизнинг нақадар буюклиги ва ижодкорлиги тимсоли сифатида бугунги кунда ҳам ҳаммани лол қолдирмоқда. Улугбек расадхонаси ўз даврида жаҳон астрономия маркази ҳисобланган. Унинг 1018 та юлдузани ўз ичига олган каталоги тузилганидан кейин, орадан икки аср ўтиб Европада маълум бўлганида, Узининг


ниҳоятда аниқлиги билан кўна қитъа олимларини ҳайратда қолдирган. Ҳозирда Ўзбекистонда Юртбошимиз раҳбарлигида, бошқа фанлар қатори, астрономия фани ривожига жуда катта эътибор берилмоқда. Ер шарни қуруқлик қисмининг учдан бирдан зиёди-

### Фахр

ни эгаллаб турган Евроосиё минтақасида, айнан Ўзбекистонда осмон жисмларини кузатиш учун энг қулай жойлар мавжуд. Собик Иттифок астро-космик инфратузилмаси таъин станцияларининг Ўзбекистонда жойлашгани ҳам таъсирчан эмас эди. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссияси мажлисида Зоминдаги Суфа яси торда антеннасининг

диаметри 70 метрлик радиотелескопни ишга тушириш ишларини тугаллаш бўйича муҳим келишувга эришилди. 30 қаватли уй баланглигидаги мазкур минора чўққисидида жойлашадиган радиотелескопнинг қабул қилувчи антенна-кўзгусининг оғирлиги 1500 тонна, бутун қурилма тоннани ташкил этади. Бу баҳайбат қурилма хом ашё билан қайд этиш ёхуд сайёралараро космик кемапар парвозини бошқариш учун градуснинг миндан бир улуши аниқлигида осмон жисмларига йўналтирилиш имкониятига эга. Бундай радиотелескоп Ўзбекистонни Коинотни радиодиапазонда ўргануви жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари қаторига олиб чиқди.

(Давоми 4-бетда).





ЖАҲОН

24 соат ичида

Вазият муҳокама қилинди

Кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг февралда мажлисини ўтказди. «АФР» хабарига қараганда, Араб давлатлари делегациясининг илтимосига биноан ўтказилган мазкур йиғилишда Фаластиннинг Газо секторидagi вазият муҳокама қилинган.

Дунёда энг катта

Бирлашган Араб Амирликларида дунёда энг катта водород электростанцияси қурилади. «Reuters» мухбири хабарига айтилишича, мазкур қурилишга 15 миллиард доллар сарфланади.

Мудофаа тизимига эҳтиёж йўқ

Словакия бош вазири Роберт Фицо АҚШнинг Чехия ва Польшага Ракетага қарши мудофаа тизими ўрнатилиш режасини танқид қилди. У Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси сессиясида сўзга чиқиб, хозирда Америка билан олиб борилаётган музокара ва Чехия ва Польшага чегарадош давлатларга ҳам бевосита алоқадор эканлигини таъкидлади.

Жиноятчилар жазосини олди

Италиянинг Палеермо шаҳри суди Сицилия мафиясининг 38 аъзоси устидан ҳукм чиқарди. Прокурор жиноятчиларга нисбатан умрбод қамқо жазо тайинлаётганини сўраган бўлса-да, суд уларнинг тергов билан ҳамкорлик қилганини ҳисобга олиб, жазони бироз енгиллатди.

Дафн маросимидаги фоҳиа

Кеча эрталаб Ироқнинг Байжина шаҳри яқинидаги қишлоқларнинг бирида террорчилик содир этилди. Қишлоқда кўмиш маросими чоғида жангари ўзини портлатиб йборди.

Сигаретдан ҳам кичик

АҚШда учувчисиз унадиған аппаратлар учун кичик реактив иорат яратилди. «Engadget» хабарига қараганда, нанотехнология асосида яратилган мазкур моторнинг катталиги сигаретага тенг келади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ГИЛАМЛАРДА ОФТОБ АКСИ

— Бозорлар азал-азалдан ҳардуриликларики бўлган, — дейди Чирокчи туманидаги шу қишлоқ номи билан аталувчи фуқаролар йиғини раиси Қажор Қодиров. — Аёлларимиз тўқиган гиламлар Самарқанд Фарғонада машҳур. Ҳардурининг ўз гилам бозори бор. Харидорлар эса Тошкенту Самарқанддан, Бухоро ва Навоийдан, Жиззаху Сирдарёдан оқиб келади.

Жараён

— дейди гилам усталаридан бири Жонбуви Қулбулова. — Қишлоғимизнинг гилам тўқиш мактаби бор. Хар бир аёл — бу мактабнинг устози. Шу қишлоғи қиз-жувонлари тўқиган гиламларни тезда илғаб олса бўлади. Сабаби, хар бир гиламда, паллақда, жилхурс, кигизда кўш тасвири туширилган бўлади.

Абдулла БОБОЁРОВ.

INTER-PRESS-2008

ТЕХНИКА ВОСИТАСИДА ОБУНА

Ноширлар ва мижозлар билан ишлаш ҳамда ҳамкорлик қилишда хизматлар сифатини ошириш учун INTER-PRESS ахборот агентлиги (АА) ходимлар креативлиги ва техника соҳасидаги сўнгги ютуқлардан самарали фойдаланишни лозим деб ҳисоблайди.

— Биз шунчаки бозорда етакчиликини сақлаб қолмай жаҳондаги энг яхши обуна компанияларига монанд ишлашга интиламиз, — дейди у. — Бунинг учун эса INTER-PRESS раҳбарияти ўз олдиға аниқ ва мувофиқлаштирилган, самарали бошқарув тизимини яратиш вазифасини қўйди.

Компаниямиз барпо этилганидан буён очик стандартлар йўлини таллаб, очик қишлоқ кодиға эга корпоратив ахборот воситаларини жорий этувчи тизим интегратори сифатида ўзини намойн этмоқда деб айта оламиз.

100011, Ўзбекистон, Тошкент, Навоий кўчи, 13  
Тел./факс: (998 97) 119 00 00, 144 22 21  
Тел.: (998 97) 119 03 03, 155 00 05  
E-mail: book@interpress.uz  
www.interpress.uz

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар аиққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобға олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортик. Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари: - «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача); - «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача); - «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Самарқанд томонларда

Самарқандда даволаш профилактика ишларини янада такомиллаштириш мақсадида тиббиёт ходимларининг ҳафталик ўқув семинари уюштирилди.

Тиббиёт ходимлари ўқув

Унда вилоятдаги барча шаҳар ва туман марказий шифоналари, даволаш муассасалари раҳбарлари, соғлиқни сақлаш бошқармаси масъул ходимлари иштирок этди.

Семинарда Республика врачлар малакасини ошириш институти ректори, профессор Ж. Собиров, профессор Д. Асадов ва бошқаларнинг маърузалари саломатлик посбонлари тажрибасини бойитди.

Алоқа сифати яхшиланмоқда

Ўтган йили «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг «ЎИ Самарқанд» филиалида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва қайта қуриш борасида жиддий ишлар амалга оширилди.

Хишрав, Фарход, Геология кўрғонларида ва шаҳар марказидаги 34-АТСда замонавий электрон рақамли станциялар барпо этилди. Сартела маскани, Мотруд кўрғони, Темирйўл вокзали орти, Айний кўчасидаги АТСлар учун қўшимча биналар қурилиб, алоҳида телефон уқунлари ўрнатилди. Почта, Али Қўши, Шайх Мирзо кўчаларида Интернет шохобчалари очилди. Шунингдек, станциялараро 16 километрлик оптик толали линиялар тортилиб, 6 миң рақамли абонент линияларининг янги станцияларға қайта ўланишига имконият туғилди.

Абдураул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Совғалар топширилди

Юқори Чирчиқ тумани марказида Маданият саройида туман ҳокимлиги, ички ишлар ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимлари, марказий шифона, «Маҳалла» ва «Нуруний» жамғармалари ташаббуси билан навбатдаги хайрия тадбири ўтказилди. Унда хомий корхона-ташкilotлар вакиллари ва савоатпеша хусусий тадбиркорлар қатнашди.

Тадбирда ижтимоий муҳофазага ҳамда ўзгалар кўмағига муҳтож кишиларга, пенсионер ва ёлғиз қариюларға ногиронлар аравачалари, ортопедия буюмлари, эшитиш мосламалари ва турли-туман совға-саломлар топширилди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ ПРЯМЫЕ ПОСТАВКИ НА ВЫГОДНЫХ УСЛОВИЯХ СПЕЦТЕХНИКИ ИЗ КНР. АВТОКРАНЫ, САМОСВАЛЫ, ФРОНТАЛЬНЫЕ ПОГРУЗЧИКИ, БУЛЬДОЗЕРЫ, АВТОГРЕЙДЕРЫ, ЭКСКАВАТОРЫ, АВТОБУСЫ. Тел. (99897) 740-54-00. Факс: (99871) 281-50-93, 281-50-94. E-mail: asiaenergoinvest@mail.ru

Ульяновск автомобиль заводининг Ўзбекистондаги расмий дилери «VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ. Тошкентдаги омборхадан Ульяновск автзаводида ишлаб чиқарилган энгил ва юқавтомобилларини отади. Юқ ташувчи УАЗ-3303, Юқ ва йўловчи ташувчидан махсус УАЗ-39625, Кўшимча кабинали УАЗ-39094. Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Халқлар Дўстлиги шк., 27-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ХУЗУРИДАГИ ҲАҚАМЛИК СУДИ. ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ! Ҳўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқиши); муҳокаманинги камчиқимлиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлиги); судьяларнинг касб маҳорати (судьяни сайлаш энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан тарафлар томонидан амалга оширилади); мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти); Ҳақамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳақамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас); Ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

HYUNDAI. Drive your way. Тел.: 250-11-11, 250-69-99, Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган. www.hyundai-motor.com

